ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

АШУРОВ ЖАСУР ДЖЎРАЕВИЧ

$TlInSe_2$ МОНОКРИСТАЛЛАРИНИНГ ВА УЛАР АСОСИДАГИ ҚАТТИҚ ЭРИТМАЛАРНИНГ ТЕНЗОРЕЗИСТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 621.315.592:535.215.5:53.082.7

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

Ашуров Жасур Джўраевич
$TlInSe_2$ монокристалларининг ва улар асосидаги қаттиқ эритмаларнинг тензорезистив хусусиятлари …..... 3

Ашуров Жасур Джураевич
Тензорезистивные свойства монокристаллов $TlInSe_2$ и твердых растворов на его основе ……..... 23

Ashurov Jasur Djuraevich
Tensoresistive properties of $TlInSe_2$ single crystals and solid solutions based on it. ……..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 51

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

АШУРОВ ЖАСУР ДЖЎРАЕВИЧ

$TlInSe_2$ МОНОКРИСТАЛЛАРИНИНГ ВА УЛАР АСОСИДАГИ ҚАТТИҚ ЭРИТМАЛАРНИНГ ТЕНЗОРЕЗИСТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM248 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбари:	**Нуритдинов Иззатилло** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хидиров Ирсали** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Турсунов Икромжон Гуламжонович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “____”_____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

Э.М. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

С.Н. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида тадқиқотчи ва амалиётчилар томонидан турли яримўтказгич ўзгартиргичларни, жумладан тензоўзгартиргичларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг сабаби уларнинг юқори сезгирлиги ва ўлчамларининг кичиклигидир. Бироқ замонавий фан ва техниканинг талаблари тобора ўсиб бормоқда, бу эса ўз навбатида ушбу эҳтиёжларни қаноатлантирувчи турли хил хусусиятларга эга материалларни талаб қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда мавжуд яримўтказгич материалларнинг хусусиятларини яхшилаш билан бир қаторда янги яримўтказгич материалларни излаб топиш ва уларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш замонавий конденсирланган ҳолат физикасининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, кўплаб турли хилдаги янги яримўтказгич материалларни, жумладан уч ва ундан ортиқ компонентли мураккаб бирикмалар ва уларнинг қаттиқ эритмаларининг яратилишига олиб келади.

Жаҳонда янги кўпкомпонентли яримўтказгич бирикмаларнинг таркиби, структураси ва хусусиятларининг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш яримўтказгичларга оид фундаментал илмий тасаввурларнинг чуқурлашишига олиб келиши билан бир қаторда, янги амалий истиқболларнинг очилишига ҳам сабаб бўлади: янги бирикмалар аксар холларда ўзига хос янги хусусиятларни намоён қилади ва бу билан вужудга келаётган турли муҳим техник муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам беради. Таркиб, структура ва хусусиятларининг ўзаро алоқадорлиги қонуниятларини ўрганиш олдиндан белгиланган хусусиятларга эга бўлган энг самарали янги яримўтказгич материалларни излаш ва яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш хамда шу орқали ўсиб бораётган замонавий оптик, яримўтказгич ва квант микроэлектроникаси талабларини қондириш имкониятини беради. Мукаммал йирик, нуқсонсиз кристаллар тарзида олинган янги яримўтказгич материллар эса алоҳида аҳамиятга эга бўлади. $A^{III}B^{III}C_2^{VI}$ типидаги кўпкомпонентли яримўтказгич бирикмалар орасида, кўпгина физикавий ҳодисаларининг конуниятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган $TlInSe_2$ яримўтказгич бирикмалари алоҳида қизиқиш уйғотади. Дунёнинг турли илмий марказлари олимлари томонидан легирланмаган $TlInSe_2$ кристалларининг электрик, термоэлектрик, иссиқлик ва фотоэлектрик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари ушбу кристалларнинг янги истиқболли яримўтказгич, шу жумладан тензометрик материал эканлигидан далолат бермоқда. Бироқ, киритилган турли хил киришмаларнинг ушбу материалларда кечадиган электрофизикавий ва фотоэлектрик жараёнларга, айниқса улар асосидаги қаттиқ эритмаларнинг хусусиятларига таъсирини ўрганишга оид тадқиқотлар сони камлигича қолмоқда.

Ўзбекистонда рақобатбардош янги юқори технологик ускуналарда қўллаш мумкин бўлган тензоўзгартиргичлар, детектор ва датчиклар ишлаб чиқариш мақсадида турли янги яримўтказгич материалларни излаб топиш, улар бўйича дунё даражасига мос келувчи фундаментал тадқиқотларни олиб

бориш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз илм-фанининг ривожланиши ва унинг амалиётга кенг тадбиқ этилиши учун катта аҳамият касб этувчи бундай фундаментал тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегиясида[1] ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида" ги Қарорларида, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацияда олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда легирланмаган ва турли киришмалар билан легирланган йирик, нуқсонсиз $TlInSe_2$ монокристалларини ўстиришнинг самарали технологияси яратилган ҳамда жаҳоннинг йирик илмий-текшириш марказларининг етакчи олимлари, жумладан: японялик (Shinya Hosokawa, Kenji Kamimura, Hiroyuki Ikemoto, Kojiro Mimura, Kazuki Wakita), германиялик (Mooser E., Meitner H.), россиялик (Алексеев И.В., Карпович И.А., Червова А.А.), озарбайжонлик (Гусейнов Г.Д., Абдуллаев Г.Б., Мустафаева С.Н., Исмайлов М.З., Рустамов В.Д., Керимова Э.М., Годжаев Э.М.), украиналик (Данильчук С.П., Мирончук Г.Л., Мозолюк М.Ю., Божко В.В.), литвалик (Grigas J., Lazauskas V., Nelkinas V.), польшалик (Talik E., Adamiec M.), туркиялик (Salehli F., Yildirim T., Gasanly N.M.), ўзбекистонлик (Умаров С.Х., Нуритдинов И.) ва бошқа олимлар томонидан ушбу кристалларда электрофизик ва фотоэлектрик жараёнларининг кечиш қонуниятлари комплекс равишда ўрганилган.

Тадқиқотларнинг натижалари ушбу бирикмалар кўринадиган, яқин инфрақизил ҳамда рентген спектри соҳасидаги нурланишни қабул қилиш детекторларини ишлаб чиқаришда истиқболли материаллар эканлигидан далолат беради. Ушбу бирикмаларнинг кристаллари яримўтказгичли тензометрия соҳасида ҳам истиқболли эканлигини кўрсатди. Киришмалар билан легирланган кристалларнинг электрофизикавий ва фотоэлектрик хусусиятлари бўйича тадқикотлар айрим киришмалар билан легирланганда намуналарнинг сезгирлиги кескин яхшиланганини кўрсатди. Агарда

[1] 2017 йил 07 февральдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

материалларнинг тензорезистив хоссалари уларнинг электрофизикавий хусусиятлари билан боғлиқ эканлигини ва бу хусусиятлар киришмаларга ўта сезгир эканлиги эътиборга олинса, яримўтказгич материалларнинг тензометрик хусусиятларини ҳам киришмалар киритиш орқали бошқариш мумкин эканлигини кутиш мумкин. Шунинг учун ҳам легирланган $TlInSe_2$ кристаллар ҳамда улар асосидаги қаттиқ эритмаларнинг тензометрик хусусиятларини ўрганиш илмий ва амалий жихатдан муҳимдир. Аммо бу йўналишда тадқиқотлар мавжуд эмас. Шунингдек $TlInSe_2$ монокристалларинг тензометрик хусусиятларига ҳарорат, оптикавий нурланиш ва даврий жадвалнинг I ва IV гуруҳ элементлари киришмаларининг таъсири етарли даражада ўрганилмаган ҳамда бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш ушбу синфга мансуб кристалларнинг зоналаридаги экстремумлари жойлашуви ва сатҳлар тузилиши тафсилотлари хақида бевосита маълумот берган бўлар эди.

Булардан келиб чиққан ҳолда кейинги вазифамиз ушбу кристалларнинг тензорезистив хусусиятларини турли хил киришмаларнинг (донорлик ёки акцепторлик табиатига кўра) киритилишига, ҳароратга, оптикавий нурлар таъсирига, маълум кристаллографик йўналишга боғлиқ ҳолда тизимли равишда ўрганишдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф2-Ф065-Ф071 «Ўринбосар ва киритма қаттиқ эритмаларда термо ва радиация билан стимуллашган ҳодисалар» (2007-2011); ОТ-Ф2-23 «Кенг зонали оксид ва фторид қаттиқ жисм материалларда генерациявий ва рекомбинациявий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади $TlInSe_2$ монокристаллари ва улар асосидаги қаттиқ эритмаларининг тензорезистив хусусиятларига турли киришмаларнинг таъсир этиш қонуниятлари ва механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

p-$TlInSe_2$ кристалларида фототок ва фотостимулланган тензосезгирликнинг спектрал тақсимотини тадқиқ қилиш;

$TlInSe_2$ монокристалларининг тензорезистив хусусиятларига Ag, Cu, Si, Ge, Sn ва Co киришмаларининг таъсирини тадқиқ қилиш ва ушбу таъсирлар механизмини аниқлаш;

легирланган $TlInSe_2$ кристалларининг тензорезистив хусусиятларига температуранинг таъсирини аниқлаш;

$TlInSe_2$ кристаллари асосидаги қаттиқ эритмаларда компонентлар нисбатининг тензорезистив хусусиятларига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида легирланмаган ҳамда даврий жадвалнинг биринчи (Cu, Ag) ва тўртинчи (Si, Ge, Sn) гурухи элементлари киришмалари билан легирланган $TlInSe_2$ монокристаллари ҳамда $TlInSe_2$

кристаллари асосидаги мураккаб $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ ($0 \le x \le 0,5$) ва $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ ($0 \le x \le 0,1$) бирикмалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб легирланмаган ва турли киришмалар билан легирланган $TlInSe_2$ кристаллари ва унинг асосидаги $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ ($0 \le x \le 0,5$) ва $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ ($0 \le x \le 0,1$) мураккаб бирикмаларнинг тензорезистив хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибаларнинг қуйидаги стандарт услублари қўлланилди: солиштирма электр қаршилигини зондли ва контактсиз ўлчаш усуллари, заряд ташувчиларнинг концентрацияси ва ҳаракатчанлигини ўлчаш, яримўтказгичларда донор ва акцепторлар концентрациясини алоҳида-алоҳида ўлчаш услублари, заряд ташувчиларнинг яшаш даврини ўлчаш услублари, оптикавий тадқиқот услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$TlInSe_2$ кристалларида зоналараро билвосита электрон ўтишлар бевосита электрон ўтишларга нисбатан нафақат кичик энергиялар соҳасида, балки спектрнинг юқори энергиялар соҳада ҳам мавжуд эканлиги кўрсатилган;

мусбат ва манфий деформацияланганда $TlInSe_2$ кристалларининг турли воҳаларидаги электрон ўтишлар билан боғлиқ фотостимулланган тензосезгирлик коэффициентининг спектрал тақсимоти максимумлари қайта тақсимланиши сабабли кристаллардаги тензорезистивлик кўп воҳали механизм билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган (деформация жараёнида воҳалар энергетик ҳолатларининг ўзгариши туфайли зарядлар бир воҳадан бошқасига оқиб ўтиши аниқланган);

даврий системанинг I ва IV гуруҳ элементлари киришмалари киритилишида киришма сатҳларнинг пайдо бўлиши, шунингдек $300 \le T \le 410K$ ораликдаги ҳарорат таъсирида термоионизацияси ҳисобига заряд ташувчилар концентрациясининг ортиши туфайли $TlInSe_2$ кристалларида [001] йўналишда тензосезгирлик коэффициенти кўплаб марта (1,1 дан ~24 мартагача) ортиши аниқланган;

илк марта кобальтнинг $0 \le x \le 0,5$ концентрацияси оралиғида $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ системаси бирикмаларининг, шунингдек миснинг $0 \le x \le 0,1$ концентрацияси оралиғида $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ системаси бирикмаларининг тензорезистивлик хусусиятлари ҳамда тензосезгирликнинг температурага боғлиқлиги қаттиқ эритмаларнинг концентрацион мавжудлик соҳасида чизиқли концентрациявий боғланишга эгалиги ва қаттиқ эритмалар мавжудлик соҳаси чегарасидан ўтиши билан кескин ўзгариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$TlInSe_2$ монокристалларининг тензорезистивлик хусусиятларига ҳароратнинг ва даврий система I ва IV гуруҳ элементлари киришмаларининг таъсир этиш қонуниятлари аниқланган, бу эса кристалларнинг тензометрик хусусиятларини мақсадли бошқариш имкониятини берган;

легирланган $TlInSe_2$ кристалларининг сезгир тензорезистив яримўтказгич материал сифатида истиқболли эканлиги аниқланган, уларнинг тензорезистив хусусиятлари кўп минг марталаб деформацион ($\varepsilon = 0,57 \cdot 10^{-3}$

нисбий деформацияда) ва термик ($300 \leq T \leq 410K$ ҳарорат оралиғида) таъсирлар натижасида ҳам стабил кўрсатгичларга эга бўлиб қолиши туфайли улар асосида турли мақсадларда қўлланиладиган юқори сезгирликдаги тензодатчикларни ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи физикавий тажриба методларининг қўлланганлиги, натижаларнинг назарий таҳлил этилиши, олинган натижаларнинг бир-бирига, адабиётларда келтирилган маълумотларга ва умумфизикавий қарашларга мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти $TlInSe_2$ яримўтказгич ҳамда у асосида олинган қаттиқ эритмалар ҳақидаги фундаментал илмий тасаввурларнинг кенгайтиришида ҳамда [001] йўналишида бир ўқ бўйлаб сиқиш ва чўзиш жараёнида $TlInSe_2$ монокристалларининг тензорезестив хусусиятларига ҳарорат ва легирловчи киришмалар сифатида киритиладиган даврий системанинг I ва IV гуруҳ элементлари концентрациялари таъсир этиш қонуниятларининг аниқланишидадир.

Натижаларнинг амалий аҳамияти $TlInSe_2$ кристалларини даврий системанинг I ва IV гуруҳ элементлари билан легирлаш орқали олинадиган, турли мақсадларда қўлланилиши мумкин бўлган, тензосезгирлиги мавжудларидан юқори бўлган тензодатчиклар яратиш имкониятини берувчи яримўтказгич бирикмалар синфининг аниқланишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. $TlInSe_2$ монокристаллари ва улар асосидаги қаттиқ эритмаларнинг тензорезистивлик хусусиятларига турли киришмаларнинг таъсир этиш қонуниятлари ва механизмларини аниқлаш асосида:

мусбат ва манфий деформацияланган $TlInSe_2$ кристаллардаги тензорезистивлик кўп воҳали механизм билан боғлиқлиги ЁФ-2-13 рақамли “Кремнийли структураларни электрофизик хусусиятларига титан кичик гуруҳи кириндиларининг таъсиридаги эффектлар” (2016-2017) фундаментал лойиҳада кремнийли яримўтказгич структураларда нуқсонлар ҳосил бўлиши механизмларини аниқлашдада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 апрелдаги 89-03-1378-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши титан кичик гуруҳидаги киришмалар билан легирланган кремнийли структураларда тензорезистив ҳодисаларни ўрганиш ва тензосезгирлик коэффициентини аниқлаш даражасини оширишга имкон берган.

$TlInSe_2$ кристалларида ва унинг асосидаги $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ ($0 \leq x \leq 0,5$) ва $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ ($0 \leq x \leq 0,1$) қаттиқ эритмаларда киришмалар концентрацияси ва ҳароратнинг ошиши, шунингдек, фотосезгирлик соҳасида ёритилиш туфайли термик ва фотоионизация натижасида заряд ташувчилар концентрациясининг ортиши ҳисобига тензосезгирлик коэффициентининг кўп марта ошиши, шунингдек тензорезистив эффектнинг кўпвоҳали механизми ФА-А3-002 рақамли «Оғирликни ўлчовчи қурилмалар учун яримўтказгичли тензодатчик

ишлаб чиқиш» лойиҳасида ярим ўтказгичли тензометриянинг ҳозирги замон ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баён этишда ва тадқиқот вазифаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 26 мартдаги 2/1255-918-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши яримўтказгич қўшимчали плёнкали тензодатчикларга чизиқли узатиш характеристикасини беришни асослаш имкониятини яратган;

I ва IV гуруҳ элементлари киришмалари билан легирланган $TlInSe_2$ монокристалларида хусусий ютилиш соҳасида ёритиш ва $300 \leq T \leq 410K$ оралиқда ҳароратнинг таъсирида легирлаш туфайли киришма сатҳларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг термик ва фотоионизациялануви натижасида заряд ташувчилар концентрациясининг ортиши ҳисобига [001] йўналишда тензосезгирлик коэффициентининг кўп марта ошиши етакчи хорижий илмий журналларда (Journal of Materials Science: Materials in Electronics Volume 24 Number 9, pp. 3555-3563, 2013; Scientific Bulletin of Volyn National University, Vol. 1, Series: Solid state physics, 16, pp.19-24, 2012; Physical Chemistry Chemical Physics, 15, pp.6965, 2013) қалайнинг x=0÷0,25 концентрациясида $Tl_{1-x}In_{1-x}Sn_xSe_2$ қаттиқ эритмаларнинг фотоэлектрик хусусиятларини ва электрон структурасини аниқлаш мақсадида фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши ўрганилган намуналарда концентрациянинг ортиши ва температуранинг кўтарилиши билан фотоўтказувчанликнинг ошишини тушунтирувчи фотоактив марказлар қайта зарядланиш моделини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси доирасида жами 18 та илмий иш нашр қилинган, жумладан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 4 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, бу йўналишдаги тадқиқотларнинг ҳозирги ахволи баён этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган, тадқиқотнинг Республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устивор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти аниқланган, уларнинг ишочлилиги ва назарий ҳамда амалий

моҳияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилгани хақида ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“$TlInSe_2$ кристаллари ва улар асосидаги қаттиқ эритмаларнинг физик-кимиёвий хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида $TlInSe_2$ бирикмасининг кристалл ва электрон структураси ҳамда ушбу бирикмалардаги кимёвий боғланиш хусусиятлари хақидаги маълумотлар келтирилган. $TlInSe_2$ бирикмасининг физикавий хусусиятлари хақида адабиётлардаги маълумотлар берилган: тадқиқ қилинаётган мураккаб яримўтказгич системаларининг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинган, легирланмаган ва турли киришмалар билан легирланган $TlInSe_2$ кристаллари ва унинг асосидаги қаттиқ эритмаларнинг электрофизикавий ва тензорезистив хусусиятларини тадқиқ қилиш натижари баён қилинган. Боб якунида эса адабиётларда эълон қилинган ишлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва ўтказилган тажрибалар методикаси”** деб номланган иккинчи боби тадқиқот объектларини олиш технологиясига, шунингдек электрофизикавий, фотоэлектрик ва тензорезистив характеристикаларни ўлчаш услуби баёнига бағишланган.

Тадқиқотлар ўтказиш учун керак бўлган йирик бир жинсли легирланмаган ва легирланган $TlInSe_2$ монокристаллари ва унинг асосидаги қаттиқ эритмалар ф-м.ф.д. С.Х. Умаров томонидан Озарбайжон миллий ФА Физика институтида Бриджмен-Стокбаргер услубида ўстирилган.

Намуналарнинг тажрибавий характеристикалари ҳароратнинг 250-573К оралиғида ўлчанган. Тензосезгирлик статик режимда ўлчанган. Кўрсатгичлари ўлчанаётган кристаллга доимий деформация ушбу мақсад учун махсус лойиҳалаштирилган қурилма ёрдамида амалга оширилган бўлиб, унинг схематик куринишида (1-расмга қаранг) келтирилган.



1 – кристалл, 2 – пўлат балка, 3 – ёнланма тиркама

1-расм. Статик режимда намунани сиқилиши (*а*) ва чўзилиши (*б*) жараёнларида нисбий деформацияни ўлчаш курилмасининг схематик кўриниши

Тензосезгирлик коэффициенти K_ε қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K_\varepsilon = \frac{\Delta R_{\varepsilon,0}}{R_0 \cdot \varepsilon} \qquad (1)$$

бунда R_0 – деформацияланмаган (ε=0) намунанинг қаршилиги; R_ε – маълум даражада деформацияланган (ε≠0) намунанинг қаршилиги, $\Delta R_{\varepsilon,0}=R_\varepsilon-R_0$ қаршиликнинг абсолют ўзгариши.

Тензосезгирлик коэффициентини аниқлашда керак бўладиган нисбий деформация қиймати ε қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\varepsilon = \frac{4t}{\ell^2} \cdot \Delta h \qquad (2)$$

бунда t – пўлат балканинг қалинлиги;

ℓ - ёнланма таянч тиркамалар орасидаги масофа;

Δh - намуна ўрта қисмининг эгилиш жараёнидаги силжиш масофаси.

Эритмадаги ўрин олувчи киришмалар концентрацияси $Tl_{1-x}A_xInSe_2$ ва $TlIn_{1-x}B_xSe_2$ формулалар бўйича ҳисоблаш асосида киритилган, бунда A=Ag, Cu; B= Si, Ge, Sn, Co.

Ўрганилган намуналарнинг биз томонимиздан аниқланган айрим электрофизикавий хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўрганилган $Tl_{1-x}A_xInSe_2$ ва $Tl_{1-x}B_xInSe_2$ намуналарининг электрофизикавий параметрлари (A=Ag, Cu; B= Si, Ge, Sn, Co)

Тензодатчик кристалли таркиби	Намуна ўлчови, мм^3	Номинал қаршилик, Ом	Солиштирма қаршилик, Ом·см
p-$TlInSe_2$	0.13×0.25×10.5	6×10^{10}	$2{,}13\times10^{7}$
p-$Tl_{0,99}Ag_{0,01}InSe_2$	0.12×0.18×9	$5{,}2\times10^{8}$	$1{,}4\times10^{5}$
$Tl_{0,99}Cu_{0,01}InSe_2$	0,13×0,23×9,8	$4{,}49\times10^{10}$	$1{,}37\times10^{7}$
$Tl_{0,98}Cu_{0,02}InSe_2$	0,16×0,24×7,9	$1{,}32\times10^{10}$	$6{,}4\times10^{6}$
$Tl_{0,97}Cu_{0,03}InSe_2$	0,19×0,26×8,5	$4{,}3\times10^{9}$	$2{,}5\times10^{6}$
$Tl_{0,95}Cu_{0,05}InSe_2$	0,14×0,24×6	$2{,}86\times10^{9}$	$1{,}6\times10^{6}$
$Tl_{0,90}Cu_{0,1}InSe_2$	0,14×0,23×6,5	$2{,}64\times10^{9}$	$1{,}31\times10^{6}$
p-$TlIn_{0,99}Si_{0,01}Se_2$	0.10×0.18×7	$2{,}2\times10^{7}$	$0{,}4\times10^{4}$
p-$TlIn_{0,99}Ge_{0,01}Se_2$	0.12×0.22×10.5	$1{,}4\times10^{9}$	$5{,}0\times10^{5}$
n-$TlIn_{0,99}Sn_{0,01}Se_2$	0.13×0.20×10.5	$1{,}2\times10^{9}$	$4{,}8\times10^{5}$
$TlIn_{0,99}Co_{0,01}Se_2$	0,8×1,5×6	$1{,}65\cdot10^{8}$	$3{,}3\cdot10^{6}$
$TlIn_{0,98}Co_{0,02}Se_2$	0,6×1,5×6	$3{,}4\cdot10^{7}$	$5{,}1\cdot10^{5}$
$TlIn_{0,97}Co_{0,03}Se_2$	0,8×1,2×6	$3{,}0\cdot10^{7}$	$4{,}8\cdot10^{5}$
$TlIn_{0,95}Co_{0,05}Se_2$	0,6×1,5×6	$3{,}1\cdot10^{7}$	$4{,}6\cdot10^{5}$
$TlIn_{0,9}Co_{0,1}Se_2$	0,8×1,5×6	$2{,}0\cdot10^{7}$	$4{,}0\cdot10^{5}$
$TlIn_{0,7}Co_{0,3}Se_2$	0,6×1,5×6	$1{,}2\cdot10^{7}$	$1{,}94\cdot10^{5}$
$TlIn_{0,5}Co_{0,5}Se_2$	0,8×1,2×6	$1{,}75\cdot10^{5}$	$0{,}28\cdot10^{4}$

Диссертациянинг “**Легирланмаган $TlInSe_2$ кристалларида деформациянинг фототок спектри тақсимотига, люкс – ампер хусусиятларига ва фотостимулланган тензоэффектларга таъсири**” деб номланган учинчи бобида деформациянинг легирланмаган $TlInSe_2$

кристаллардаги фототокнинг спектри тақсимотига, кристалларнинг люкс – ампер хусусиятларига ва фотостимулланган тензоэффектларига таъсирини тадқиқ этиш натижалари келтирилган.

Илгари Гусейнов ва ҳаммуаллифлари[2] томонидан дефомацияланган p-$TlInSe_2$ кристалларида солиштирма электр қаршилиги ва фотоўтказувчанликнинг спектрал тақсимоти ўрганилиб, унда ушбу кристалнинг электрон структураси кўпвоҳали эканлиги ҳақидаги тахмин олға сурилган эди. Биз ушбу кристаллар учун тензорезистив ҳодисанинг кўпвоҳали механизми ўринли эканлигини текшириш учун деформацияланмаган, [001] кристаллографик йўналишда мусбат ва манфий деформацияланган ҳолдаги кристалларда 0,8÷3,2 эВ спектрал соҳада I_c фототокнинг ва K_ε тензосезгирлик коэффициентининг спектрал тақсимотларини тадқиқ қилдик. Бу тадқиқот натижалари фототокнинг абсолют қиймати мусбат деформацияланган намуналарда деформацияланмаган намуналарга нисбатан ортиши, манфий деформацияланган намуналарга нисбатан эса камайишини кўрсатди. Айни пайтда фототокнинг максимуми ўзгармасдан 1,20 эВ қийматда қолади, бу эса турли хил деформацияланган $TlInSe_2$ кристалларида бевосита (тўғридан-тўғри) оптик ўтишлар энергияси ўзгармай қолишидан далолат беради (2 - расмга қаранг).



2-расм. Деформацияланмаган (1), мусбат деформацияланган (2) ва манфий деформацияланган (3) p-$TlInSe_2$ кристалларидаги фототок спектрлари тақсимоти

2-расмдан, олдинги муаллифлар олган натижаларидан фарқли равишда, деформация жараёнида фототок спектрал тақсимотининг ўзгаришлари нафақат фототок максимумига нисбатан узун тўлқинлир соҳасида, балки қисқа тўлқинлар соҳасида ҳам содир бўлиши кўриниб турибди. Бу натижа $TlInSe_2$ кристалларида билвосита (тўғридан-тўри бўлмаган) ўтишлар фототок

[2] *Guseinov G.D., Abdullayev A.G., Ismailov M.Z., Rustamov V.D.* The piesoresistive effect in the p-$TlInSe_2$ single crystals // Materials Research Bulletin. – Elsevier, 1977. – Vol.12, No1. –P.115-118.

максимумига нисбатан спектрнинг нафақат паст энергиялар соҳасида, балки юқори энергиялар сохасида ҳам мавжуд эканлигидан далолат беради.

3-расмда турлича деформацияланган кристалларда 0,8÷3,2 эВ спектрал соҳадаги ёруғлик нури таъсирида фотостимуллаштирилган тензосезгирлик коэффициентининг спектрал тақсимотлари келтирилган бўлиб, унда [001] йўналиш бўйича мусбат деформацияланган кристаллдаги тақсимотида 1,20 эВ да энг интенсив чўққи ва 1,6-1,70 эВ соҳада нисбатан камроқ интенсивликдаги чўққи кузатилади. Тақсимот спектридаги интенсив чўққининг максимуми кристаллдаги фототокнинг максимумига мос келади. (3,а-расмга қаранг). Кристалл манфий деформацияланганда фотостимуллаштирилган тензосезгирлик коэффициентининг 1,20 эВ даги интенсив чўққиси максимумининг энергетик қиймати ўзгармай қолади, аммо унинг интенсивлиги бир оз камаяди ҳамда максимуми 2,10 эВ да бўлган янги чўққи пайдо бўлади (3, б - расмга қаранг).



3-расм. Мусбат (а) ва манфий (б) деформацияланган p-$TlInSe_2$ кристалларидаги фотостимуллаштирилган тензосезгирликнинг спектрал тақсимотлари



4-расм. Мусбат (1) ва манфий (2) деформацияланган p-$TlInSe_2$ кристалларидаги нормаллаштирилган фотостимуллаштирилган тензосезгирлигининг спектрал тақсимотлари ҳамда 1 ва 2 спектрлар айирмаси (3)

Биз томонимиздан деформацияланган $TlInSe_2$ намуналарни турли тўлқин узунликларига эга бўлган ёруғлик нурлари билан ёритиш орқали аниқланган фотостимуллаштирилган тензосезгирликнинг спектрал тақсимотларидаги энергетик максимум ва минимумлар Григас ва ҳаммуаллифлари[3] томонидан $TlInSe_2$ кристалларидаги рентген фотоэлектронларининг спектрларини ўрганиш орқали тажрибаларда аниқланган ҳамда Хартри-Фокнинг чекланмаган методидан фойдаланган ҳолда назарий ҳисоблаб чиқилган зоналараро ўтишларнинг энергетик қийматларига мос келади (2-жадвалга қаранг).

[3] *Grigas J., Talik E., Adamiec M., Lazauskas V., Nelkinas V.* XPS and electronic structure of $TlInSe_2$ crystals // Lithuanian Journal of Physics. – Riga, 2007. – Vol. 47, No 1. –P. 87-95.

2-жадвал

$TlIn_4Se_{16}$ кластерида назарий ҳисобланган ва $TlInSe_2$ кристалларида тажрибаларда аниқланган сатҳдан сатҳга электрон ўтишлар

$TlIn_4Se_{16}$ кластерида назарий ҳисобланган, эВ	-	1,2	1,4	1,8	2,1	2,3	2,5	2,9
$TlInSe_2$ кристаллида тажрибада аниқланган, эВ	1,08	1,2	1,43	1,7	2,13	2,3	2,5	2,8

Агар фотостимуллаштирилган тензосезгирликнинг 1,20 эВ даги максимуми бевосита ўтишлар билан боғлиқ эканлиги инобатга олинса, $TlInSe_2$ кристалларида тажрибаларда кузатилган қолган барча фотостимуллаштирилган тензосезгирлик максимумлари Бриллюэн зонасининг турли нуқталаридан билвосита электрон ўтишлар билан боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин.

Айтиб ўтилган ўзгаришлар мусбат ва манфий деформацияланган кристаллардаги фотостимуллаштирилган тензосезгирлик коэффициентлари таксимотларининг нормаллаштирилгандан кейинги айирмасида янада яққол намоён бўлади (4-расмга қаранг). Расмдан кўринадики, кристаллар манфий деформацияланганда (сиқилиш деформациясида) фотостимуллаштирилган тензосезгирлик коэффициенти тақсимотида 1,4 эВ энергиядаги электрон ўтишларнинг ҳиссаси устунлик қилади, бироқ бошқа барча ўтишлар соҳаларида тензосезгирлик коэффициентиниг улуши анчагина камаяди. Бундан фарқли равишда, кристалл мусбат деформацияланганда (чўзилиш деформациясида) 1,4 эВ энергиядаги ўтишларнинг улуши энг кам бўлиб, барча бошқа ўтишларда тензосезгирлик ҳиссаси сезиларли ортади. Бундан келиб чиқиб $TlInSe_2$ кристалларининг тензосезгирлик механизми ҳақиқатдан ҳам деформация таъсирида воҳаларнинг энергетик ҳолатлари ўзгариши натижасида зарядларнинг бир воҳадан бошқасига оқиб ўтиши билан боғлиқ деган деб хулоса қилдик.

Диссертациянинг **“$TlInSe_2$ кристалларининг фотоэлектрик ва тензорезистивлик хусусиятларига I ҳамда IV гуруҳ киришмаларининг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида $TlInSe_2$ монокристалларининг тензорезистивлик хусусиятларига даврий системанинг I ва IV гуруҳи элементларининг таъсири ўрганилган.

$TlInSe_2$ монокристалларига I ва IV гурух элементлари киришмаларининг киртилиши [001] кристаллографик ўқи бўйлаб хона хароратида сиқилиш деформациясида ҳам, чўзилиш деформациясида ҳам легирланмаган намуналарга нисбатан тензосезгирлик коэффициентининг ортишига олиб келади (3-жадвалга ва 5-расмга қаранг). I гурух элементлари киришмалари билан легирланган намуналарда энг кучли ўзгариш Ag киришмаси билан легирланган кристалларда аниқланди: сиқилиш деформациясида

тензосезгирлик коэффициенти деярли 4 марта, чўзилиш деформациясида эса қарийб 5 марта ортади. Тахминимизча, бу ҳолат легирлаш туфайли киришма сатҳлари пайдо бўлиши, кристалл ҳосил қилувчи ва ўринбосар киришма элементлари атомлари ўлчамларининг фарқи ҳамда уларнинг электроманфийлиги билан боғлиқдир. Масалан, $TlInSe_2$ кристалларини кумуш ёки мис киришмалари билан легирлаганда кристалл панжарада ушбу элементлар атомлари бир валентли таллий атомлари ўрнини эгаллайди. Полинг шкаласи бўйича таллий атомининг электроманфийлиги 1,45 га, кумуш ва мис атомлари электроманфийликлари мос равишда 0,58 ва 0,69 га тенг. Электроманфийлик қийматининг камайиши туфайли атомларнинг қўшни атомлар электронларини тортиб олиш қобилияти камаяди ва бу бир хил температурада легирланган намуналарда легирланмаган намуналарга нисбатан ток ташувчилар ионлашиш энергиясининг камайишига ҳамда зоналарда улар миқдорининг ортишига олиб келади.

3-жадвал

300К ҳароратда [001] ўқи бўйлаб $\varepsilon=0.57\times10^{-3}$ нисбий деформацияланган $Tl_{1-x}A_xInSe_2$ ва $Tl_{1-x}B_xInSe_2$ (A=Ag, Cu; B= Si, Ge, Sn, Co) кристалларининг тензосезгирлик коэффициентлари *K*

Тензодатчик кристалли таркиби	K_ε, сиқилиш деформациясида	K_ε, чўзилиш деформациясида
$TlInSe_2$	538	410
$Tl_{0,99}Ag_{0,01}InSe_2$	2082	2073
$Tl_{0,99}Cu_{0,01}InSe_2$	280	862
$TlIn_{0,99}Si_{0,01}Se_2$	627	1762
$TlIn_{0,99}Ge_{0,01}Se_2$	1308	2829
$TlIn_{0,99}Sn_{0,01}Se_2$	658	537
$TlIn_{0,99}Co_{0,01}Se_2$	1741	4041



5-расм. $Tl_{1-x}A_xInSe_2$ ва $Tl_{1-x}B_xInSe_2$ кристалларининг [001] ўқи бўйлаб $\varepsilon=0.57\times10^{-3}$ нисбий деформацияда ва T = 300К температурада тензосезгирлик коэффициенти K_ε

Легирланмаган $TlInSe_2$ кристалларида температура ортиши билан тензосезгирлик коэффициенти чизиқли ўсади. Легирланган кристалларда ҳарорат ортиши билан тензосезгирлик коэффициенти янада кучлироқ ортади (6-расмга қаранг), бу эса термодатчиклар сезгирлигини кучайтириш

имкониятини беради. Масалан, чўзилиш деформациясида кремний киришмалари билан легирланган намуналарда ушбу кўрсатгичнинг қиймати 410К ҳароратда легирланмаган намунанинг хона ҳароратидаги қийматига нисбатан деярли 24 марта, сиқилиш деформациясида эса кумуш киришмалари билан легирланган намуналарда 14 марта ортиши кузатилди.



6-расм. Легирланмаган ва легирланган $TlInSe_2$ кристалларининг сиқиш (А) ва чўзиш деформацияларида (В) тензосезгирлик коэффициентининг температурага боғлиқлиги

Тензосезгирликнинг ҳароратга боғлиқ равишда ўзгариши тензосезгирликнинг температуравий коэффициенти G_T билан тавсифланади ва у қуйидаги формула бўйича:

$$G_T = \frac{\Delta K \ / K_0}{\Delta T} \cdot 100\% \qquad (3)$$

ўртача ҳарорат эса қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

$$T_{ўр} = 300 + \frac{1}{2}\Delta T \qquad (4)$$

бунда ΔK — ҳарорат ΔT га ўзгаргандаги тензосезгирлик коэффициентининг ўзгариши, K_0 — 300К даги бошланғич тензосезгирлик коэффициенти.

Легирланмаган $TlInSe_2$ кристалларида тензосезгирликнинг температуравий коэффициенти G_T=0,13÷0,15 %/градус атрофида ўзгаради, легирланган кристалларда эса у киришма турига боғлиқ ҳолда намунадан намунага анчагина ўзгаради ва ўлчанаётган температура интервалига сезиларли даражада боғлиқ (4-жадвалга қаранг).

Кумуш киришмалари билан легирланган кристалларда G_T нинг ўзгариши сиқиш деформациясидагига нисбатан камроқ содир бўлади, бу эса термодатчиклардан термостатик шароитда фойдаланганда юқори аниқликка эришишни таъминлайди.

4-жадвал

Легирланмаган ва киришмалар билан легирланган $TlInSe_2$ кристалларининг 300 дан 410К гача температура интервалида ва ε = 0,57·10^{-3} нисбий деформациядаги тензосезгирликнинг температуравий коэффициенти

$T_{ўр}$, К	Тензосезгирликнинг температуравий коэффициенти, G_T (%/град.)				
	Таркиб				
	p-$TlInSe_2$	$TlInSe_2$<$Si_{0,01}$>	$TlInSe_2$<$Ge_{0,01}$>	$TlInSe_2$<$Ag_{0,01}$>	n-$TlInSe_2$<$Sn_{0,01}$>
Сиқиш деформациясида (ε<0)					
312,5	0,513	3,323	1,743	2,672	0,875
325,0	0,847	3,681	2,040	2,781	2,732
337,5	1,137	4,646	3,037	2,785	2,672
351,0	1,376	5,047	3,211	2,730	2,849
Чўзиш деформациясида (ε>0)					
312,5	0,995	2,184	2,445	3,521	1,646
325,0	1,151	3,092	2,610	2,560	2,484
337,5	1,216	3,621	2,834	2,237	2,403
351,0	1,518	4,459	3,116	2,421	2,563

Диссертациянинг **“$TlInSe_2$ асосидаги қаттиқ эритмаларнинг тензорезистив хусусиятлари”** деб номланган бешинчи бобида киришмалар концентрациясининг электрофизикавий ва тензорезистивлик хусусиятларига таъсирини $Tl_{1-x}A_xInSe_2$ кристалл системасида мис киришмаси мисолида концентрациянинг x=0÷0,1 оралиғида ҳамда $TlIn_{1-x}B_xSe_2$ кристаллар системасида кобальт киришмаси мисолида концентрациянинг x=0÷0,5 оралиғида ўрганиш натижалари келтирилган.

7-расмдан кўринадики, $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ кристаллар системасининг ρ солиштирма қаршилиги мис концентрацияси x нинг x=0÷0,025 ва x=0,025÷0,1 оралиқларида чизиқли камайиб боради ва бу тўғри чизиқлар миснинг x=0,025 концентрациясида ўзига хос синиш ҳосил қилади. Миснинг айнан шу x=0,025 концентрациясида ёруғлик қаршилиги ва ёруғлик сезгирлиги коэффициентларида ҳам сакраш кузатилади (8 ва 9-расмларга қаранг). Сиқилиш ва чўзилиш деформацияларида тензосезгирлик коэффициенти K нинг концентрацияга боғлиқлиги графикларида ҳам синиш ёки сакраш айнан миснинг x= 0,025 концентрациясида кузатилди (10-расмга қаранг).



7-расм. $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ қотишмалари солиштирма қаршилиги ρ нинг Cu концентрациясига боғлиқлиги



8-расм. $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ кристаллари ёруғлик қаршилиги коэффициентининг Cu концентрациясига боғлиқлиги



9-расм. $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ кристаллари ёруғлик сезгирлиги коэффициентининг Cu концентрациясига боғлиқлиги



10-расм. $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ қотишмалари [001] ўқи йўналишидаги тензосезгирлик коэффициентининг Cu концентрациясига боғлиқлиги

Юқорида келтирилган натижаларнинг барчаси шуни кўрсатадики, қаттиқ эритмалар мавжудлиги соҳасида $Tl_{1-x}Cu_xInSe_2$ системасининг кўпгина хусусиятлари, жумладан номинал ва солиштирма қаршилик, ёруғлик каршилиги коэффициенти, ёруғликка сезгирлик коэффициенти ва тензосезгирлик коэффициентлари ўзгармас температураларда чизиқли концентрацион боғлиқликка эга бўлиб, қаттиқ эритмалар мавжудлиги чегарасидан ўтганда эса кескин ўзгаришлар рўй беради. Бу натижалар $TlInSe_2$-$CuInSe_2$ системаси физикавий хусусиятлари механизми қаттиқ эритмаларнинг мавжудлик соҳаси ва икки фазали соҳа чегарасида тубдан фарқланишини кўрсатади. Бунинг сабаби, қаттиқ эритма соҳасида киришманинг киритилиши кристалл структураси параметрининг локал ўзгаришига олиб келади ва бу қаттиқ эритма электрофизикавий хусусиятларининг кескин ўзгаришига сабаб бўлади, икки фазали соҳада эса икки мустақил фазаларнинг ўз структураларини сақлаган ҳолда турли нисбатларда аралашуви содир бўлади ва шунинг учун қотишмаларнинг турли хусусиятларида кичик концентрацион ўзгаришлар рўй беради.

Таъкидлаш керакки, биз тажрибаларда аниқлаган натижалар илгари[4] $TlInSe_2$-$CuInSe_2$ системаларини ўрганишда олинган натижаларига мос келади. Бу тадқиқотларда дифференциал-термик ва рентгенфазавий таҳлил асосида ушбу системаларда хона хароратида $TlInSe_2$ томонидан 2,5 мол.% концентрация оралиғида ва $CuInSe_2$ томонидан 1,5 мол.% концентрация оралиғида чекланган қаттиқ эритмалар ҳосил бўлиши, ҳамда x =0,025÷0,985 интервалда эса қотишма икки фазали, яъни $TlInSe_2$ ва $CuInSe_2$ кристаллари қотишмасидан иборат бўлиши аниқланган.

11-расмда келтирилган кобальт концентрациясининг x=0÷0,5 оралиқда $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ системасининг электрофизикавий хусусиятларини ўлчаш

[4] *Георгобеани А.Н., Матиев А.Х., Хамхоев Б.М., Евлоев А.М.* Фазовые равновесия в системах $TlInSe_2$-$CuInSe_2$ и $TlInSe_2$-$AgInSe_2$. // Известия РАН, Неорганические материалы. – Москва, 2005– Т.41, №5 – С.281-285.

натижалари кўрсатилган бўлиб, ундан кўринадики, солиштирма қаршилик ρ x=0÷0,02 ва 0,02÷0,5 оралиқларида кобальтнинг x=0,02 концентрациясида ўзига хос синиш ҳосил қилган ҳолда чизиқли камаяди. Тензосезгирлик коэффициенти K_ε нинг концентрациядан боғлиқлигида ҳам сиқилиш ва чўзилиш деформацияларида кобальтнинг x=0,02 концентрациясида синиш ҳосил қилган ҳолда чизиқли ўсиш кузатилди (12-расмга қаранг).



11-расм. $TlIn_{1-x}Co_xSe_2$ қотишмалари солиштирма қаршилиги ρ нинг Co концентрациясига боғлиқлиги



